



Яхшилик бу ҳусни хулқдир. Гуноҳ эса кўнглинг хотиржам бўлмаган ва одамлар билиб қолишини истамайдиган ишингдир», - дедилар

Наввос ибн Самъон Ансорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яхшилик ва гуноҳ ҳақида сўрадим. Шунда: «Яхшилик бу ҳусни хулқдир. Гуноҳ эса кўнглинг хотиржам бўлмаган ва одамлар билиб қолишини истамайдиган ишингдир», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўралдилар. Шунда: «Аллоҳга нисбатан ҳусни хулқ - У Зотга гўзал тақво қилиш билан, одамларга эса, уларнинг озор-балоларига сабр қилиш, ғазабни жиловлай олиш, юзда илиқ табассум ва очиқ қиёфа билан юриш, ширин сўз айтиш, қариндошлик ришталарини мустаҳкам тутиш, итоат қилиш, меҳрибонлик ва саховат кўрсатиш, самимий муомала ва яхши ҳамсуҳбатликка риоя қилиш билан бўлади. «Гуноҳ» эса — шубҳали нарсалардан нафсда ҳаяжон ва хавсираш пайдо қилиб, қалб бу ишдан хотиржам бўлмаслигидир», — деб жавоб бердилар. Яъни, гуноҳ бўлишидан шубҳа туғилиб, қўрқув ҳисси пайдо бўлиши гуноҳнинг аломатидир. Шу билан бирга, уни зийоли одамларга ошкор қилишни ҳам хоҳламайди. Чунки нафс табиатан ўзининг яхшилиги кўринишини хуш кўради. Агар инсон айрим амалларини яхши ва комил инсонлар кўриб қолишидан уялиб, ошкор қилишдан нафрат этса, демак, у ишда яхшилик йўқ, аксинча, гуноҳ амалдир.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4308>

